

ГЛОБАЛИЗАЦИОН ЖАРАЁНЛАРДА ЗИЁРАТГОҲЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА ЯНГИЛАНИШЛАР

Эшқувватова М.Қ.

ЧДПУ Тарих йўналиши 3-босқич талабаси

Илмий раҳбар: Жумаева Ш.Б.

ЧДПУ т.ф.ф.д. (PhD), доцент в.б.

Таянч сўзлар: глобаллашув, маданият, халқ, урф-одат, зиёрат, этноэкологик кўрикхона, масжид, қадамжо, эътиқод, туризм.

Ключевые слова: глобализация, культура, народ, традиции, паломничество, этноэкологический заповедник, мечеть, вера, туризм.

Key words: globalization, culture, people, traditions, pilgrimage, ethno-ecological reserve, mosque, faith, tourism.

Дунё микёсида жадал суръатларда амалга ошаётган глобализацион жараёнлар инсон ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олмоқда. Глобализацион жараёнлар нафақат иқтисодий жараёнларга балки, маданий соҳада ҳам динамик ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Глобаллашув жараёнининг ҳам ижобий ҳам салбий жиҳатлари мавжуд бўлиб, жамиятда иқтисодий, савдо-сотик ва ишлаб чиқариш соҳаларида ривожланиш юз берса-да, иккинчи томондан миллий маданият, ўзига хослик, мустақиллик ҳамда эркинлик каби туйғулар йўқолиб, унутила бошланди. Лекин, глобаллашув жараёнида зиёрат билан боғлиқ саёҳат географияси кенгайиб бормоқда. Сўнгги йилларда зиёрат туризми билан уйғунлашиб бормоқда.

Глобаллашувнинг деструктив оқибатлари – миллий чегаралар ва этно-маданий ўзига хосликнинг “ўчирилиши”, турмуш тарзининг ўзгаришига олиб келувчи типик субмаданиятнинг кенг тарқалиши, шунингдек, глобал транспорт туризм инфратузилмаларининг ривожланиши. Буларнинг барчаси минтақавий алоқаларнинг кенгайиши ва дунёнинг барча бурчакларига зиёрат қилиш имкониятини бериш билан бир қаторда, шахслараро мулоқотнинг табиатини тубдан ўзгартиради, бу эса ўз навбатида замонавий зиёратчиларнинг руҳий ҳолатида яққол намоён бўлади. Жумладан,



зиёратга тижорат воситаси сифатида қараш оқибатида миллий маданият ва зиёратгоҳлар буюмга, зиёрат эса туризм бизнесининг йўналишларидан бирига айланиб бормоқда. Бошқа томондан, глобаллашув даврида янги авлоднинг маданиятни шакллантирувчи динларга бўлган қизиқишининг ортиши, шунингдек, цивилизацион, этник ва фуқаровий ўзликни англаш анъанасига бўлган эътибор кучайиб бормоқда.

Умуман олганда, замонавий глобаллашув жараёнлари кучли кетаётган бугунги кунда зиёратгоҳлар қуйидаги функцияларни бажармоқда:

1. Бирлаштирувчи. Бунда анъанавий хўжалик тарзи билан шуғулланувчи ва умумий эътиқодга эга аҳоли ҳафтанинг маълум кунларида зиёратгоҳда йиғилиб, турли маросимларни бажаради. Зиёратчилар турли миллат, турли жинс ва турли ёш вакилларида иборат бўлиб, улар зиёрат қилиш, ният ҳамда истакларига эришиш, дардларига шифо топиш каби зиёратгоҳ билан боғлиқ қарашлар, эътиқод ва ихлос бирлаштириб туради. Шунингдек, таъкидлаш лозимки, собиқ совет даврида олиб борилган атеистик сиёсат ва таъқиқларга қарамайдан, ўзбек халқи кундалик турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган зиёрат маросимлари йўқотиб юборилмади. Масалан, Тошкент вилоятида жойлашган Зинги ота зиёратгоҳи атеистик музейга айлантирилсада, зиёратга келувчилар ўз зиёрат маросимларини бажаришган, авлиё руҳига эҳтиром кўрсатишган.

2. Медиаторлик. Қадимдан зиёратгоҳлар илоҳий қудрат манбаи ҳисобланиб, инсонлар ва Худо ўртасида алоқачилик вазифасини бажарувчи сифатида талқин қилинади. Жумладан, Ислом динида Макка шаҳридаги Каъбатуллоҳ Аллоҳга энг яқин жой ҳисобланади, масжидлар эса “транслятор” вазифасини бажаради. Шу сабабли, зиёратгоҳлар ҳудудидаги масжидлар қурилишига алоҳида эътибор берилади. Масжидда ўқилган дуо мустажоб бўлади, деган халқона қарашлар замирида зиёратгоҳга ташриф буюрувчилар намоз ўқиб, ният қилишга алоҳида эътибор қаратадилар.

3. Коммуникатив. Муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар диний билимларни ошириш ҳамда диний соҳага оид саволларига жавоб берадиган марказ вазифасини ҳам бажарган. Айниқса, аёлларнинг зиёратгоҳларга кўп ташриф буюришининг сабабларидан бири, аёллар ўз диний дунёқаришини ошириш учун ҳам ташриф буюриши билан боғлиқ. Аёллар ўзларини қийнаётган саволларга зиёратгоҳда фаолият юритувчи шайх ва имомлардан жавоб олишга ҳаракат қиладилар. Жумладан, Зангиота зиёратгоҳида радиомикрофон орқали мунтазам диний мавзулардаги маърузаларнинг бериб борилиши зиёратгоҳларнинг коммуникатив вазифасини янада кучайтиради.

4. Даволовчи. Қадимдан инсонлар қадамжо ва зиёратгоҳларнинг мазкур хусусиятидан кенг фойдаланиб келганлар. Булоқ суви, зиёратгоҳ тупроғи, тош, ғор ва дарахтларнинг шифобахшлигига ихлос билан қараб, турли маросимлар бажарилган. Қадамжо ва зиёратгоҳларга даво истаб борувчилар руҳан тайёргарлик кўриб келади. Бу эса ўз навбатида, инсон психологиясига таъсир кўрсатиб, инсонда ўзига хос ишончни ҳосил қилади. Ҳозирги кунга қадар бефарзандлик касалига даво истаб, зиёратгоҳларга келадиган зиёратчилар ташкил этади. Булоқ сувларини турли касалликларга шифо сифатида истеъмол қилиш анъанавий одатлардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, зиёратгоҳлардаги ўзига хос биомайдон ҳам турли касалликларга даъво ҳисобланган. Зиёратгоҳларда нафақат инсонлар, балки уй ҳайвонлари ҳам даволаш учун олиб келинган. Жумладан, Оҳангарон туманидаги Парпи ота зиёратгоҳига ҳайвонларни ҳам даволаш мақсадида олиб келинган .

5. Ҳимоя қилувчи. Маҳаллий аҳоли орасида кенга тарқалган анъанага кўра, зиёратгоҳлар одамларни турли балою-офатлардан ҳимоя қилувчи, бошига иш тушганда ёрдам берувчи хусусиятга эга эканлигига ишонч кучли бўлиб, айниқса, авлиёлар билан боғлиқ зиёратгоҳлар ушбу вазифани ҳам бажаради. Жумладан, авлиёлар қабри қўйилган мазорда қабр азоби енгил бўлади, деб қаралганлиги боис зиёратгоҳлар атрофида қабристонлар вужудга келган. Масалан, Зангиота ва Эрвалибобо зиёратгоҳлари ушбу жиҳатлари билан ҳам улуғланган.

6. Руҳий мадад, таскин берувчи – қадамжо ва зиёратгоҳлар бўйича олиб борилган тадқиқотларга кўра, инсонлар икки ҳолат, яъни тушкунлик, бошига кулфат тушганда ҳамда хурсандчилик ва улкан ютуқларга эришган пайтда зиёратга бориши кузатилган. Глобаллашув жараёнларининг кучайиши ва ҳаётий жараёнларнинг тезлашиб бориши инсоннинг руҳий зўриқишига олиб келмоқди. Шаҳар шовқини, замонавий ахборот технологияларидан меъеридан ошиқ фойдаланиш, ақлий меҳнат қабилар инсонда кучли зўриқишлар вужудга келтирувчи асосий омиллар ҳисобланади. Ушбу руҳий ҳолат инсонда ёлғизлик ва сокинлик сари интилишни вужудга келтиради. Зиёратгоҳларда олиб борган тадқиқотлар натижасига кўра, зиёратчиларнинг 85 фоизи зиёратдан сўнг руҳий енгилликка эришганини таъкидладилар. “Хурсанд бўлсанг, бозорга, хафа бўлсанг, мазорга бор” мақолида ҳам мазорга бориш инсоннинг руҳий тушкунлик ҳолатига таскин бериши заминидан пайдо бўлган.

7. Табиий кўриқхона. Этноэкологик, айниқса, бугунги глобаллашув жараёнлари таъсири остида экологик муаммолар кучайиб бормоқда.



Жумладан, урбанизациялашув оқибатида табиий ландшафтлар сони қисқариб бормоқда. Эндиликда зиёратгоҳлар худуди табиий экотизим сақланиб қолган кўриқхона вазифасини бажармоқда. Айниқса, зиёратгоҳларга нисбатан асрлар давомида шаклланган хурмат натижасида бу ерларни пайхон қилиш ва ўсимлик дунёсига зарар етказиш гуноҳ ҳисобланганлиги сабабли қадимий дарахтлар, ўзига хос ўсимлик дунёси, булоқ сувлари ҳамда муқаддас балиқлари зиёратгоҳларда яхши сақланиб қолган. Мамлакатимиздаги зиёратгоҳлар кўп асрлик чинор, арча, ёнғоқ каби дарахтлари билан ҳам машҳурдир. Жумладан, Бўстонлик туманида жойлашган “Қадамжо” зиёратгоҳида 800 йиллик чинорлар мавжуд. Шу билан бирга, зиёратгоҳларда кенг миқёсда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида ҳам уларнинг табиий кўриниши, флора ва фаунасига зарар етказмасликка алоҳида эътибор қаратиш керак. Масалан, Бўстонлик тумани Боғистон қишлоғида жойлашган Шайх Умар Вали зиёратгоҳида ҳам олиб борилаётган қурилиш ишларида минг йиллик арча дарахти сақлаб қолинди.

Глобаллашув жараёни кучли кечаётган бугунги кунда зиёрат ва туризм ўртасидаги фарқлар ҳам қисқариб кетди. Чунки, зиёрат ва унинг бугунги кундаги кўриниши ўрта асрларда амалга оширилган зиёратдан кескин фарқ қилмоқда. Иккинчидан, “зиёрат” тушунчаси замонавий контекстда кенг фойдаланилмоқда, яъни машҳур инсонлар ҳамда уруш қатнашчилари қабрлари, машҳурларнинг резиденциялари ва уларнинг дафн қилинган жойларини кўриш каби янги анъаналар пайдо бўлмоқда. Жумладан, Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов қабрида бунёд этилган мақбара мисолида кўришимиз мумкин.

Глобализацион жараёнлар зиёрат маросимлари ва уларнинг этнохудудий хусусиятларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида ислом динига кенг эътибор берилиши ва диний эркинликларнинг тикланиши натижасида халқимизнинг зиёратгоҳлардаги маросимлар асл исломга тўғри келмаслиги сабабли ширк амаллар, деб эълон қилинди. Қабр атрофини етти марта айланиб, ният қилиш, чироқ ёқиш, авлиёга атаб қурбонлик келтириш каби урф-одатлар шулар жумласидан. Зиёрат маросимларидаги айрим ҳолатлар, урф-одатлар интернет саҳифалари, ижтимоий тармоқларда кескин танқидларга сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда ҳар бир қадамжо ва зиёратгоҳларда “Зиёрат одоблари” тўғрисида маълумот берувчи кўрсатмалар қўйилган.

Сўнгги йилларда зиёратгоҳларда асосий эътибор диний оятларни тиловат қилиш, фақат Оллоҳдан ният қилиб сўраш, қурбонликларни ҳам Оллоҳ йўлида сўйиш, зиёратгоҳларда намоз ўқиш, эҳсон каби амаллар ба-жарилмоқда. Умуман олганда, зиёрат ва зиёрат маросимлари маълум бир вақт оралиғида мавжуд бўлган анъанадир, доимий янгиланиш ҳамда ўзгаришларга эга. Яъни, доимий жараён, давомийлик (эскиларни асраш) ва янгини идрок етиш ўртасидаги мувозанатдир. Тизим ёки структура ушбу жараённинг ички бирлигини акс эттиради, бу эса уни ўз вақтида амалга ошириш ва ўзлигини сақлаб қолиш имконини беради. Зиёратнинг ўз мероси, яъни ўз тарихи, ўтмиши бор ва у ўз тузилишига эга бўлиб, асрлар давомида шаклланади, сайқалланиб боради. Зиёрат муайян маросим ҳаракатлари мажмуи билан ажралиб туради. Ҳар бир маросимнинг ўзи хос мақсад ва вазифаси мавжуд. Зиёрат маросимлари инсон рухияти, диний эътиқоди ва ишончи билан узвий боғлиқ бўлганлиги боис уни қисқа вақт ичида ўзгартириш, муайян қолипга солиш мумкин эмас.

Адабиётлар:

1. Житенёв С. Ю. Религиозное паломничество в христианстве, буддизме и исламстве: социокультурные, коммуникационные и цивилизационные аспекты. – М.: ИНДРИК, 2012. – С. 7.
2. <https://lm.facebook.com/l.php?u=https%3A%2F%2F>
3. Гаюпова Ш. Ўзбек менталитетини шакллантиришда муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларнинг ўрни // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – 2005. – №3. – Б. 150–154.
4. Гольдцигэр И. Культ святых в исламе: Мухамедданские эскизы. – М.: ОГИЗ, 1938. – 180 с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада глобализация жараёнида зиёратгоҳлардаги ўзгаришлар шунингдек, зиёрат маросимларининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье анализируются изменения в святынях в условиях глобализации, а также анализируются специфические аспекты ритуалов паломничества.

SUMMARY

This article analyzes the changes in shrines in the context of globalization and the specific aspects of pilgrimage rituals.